

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2024 йил
5 июль,
жума
№ 31
(1013)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли раис!

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити барча иштирокчиларини қутлашдан мамнунман. Қозғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга самимий қабул ва бугунги учрашувимиз юксак даражада ташкил этилаётгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Беларусининг ШХТга қўшилиш жараёни якунига етгани билан табриклайман. Бу, ҳеч шубҳасиз, шерикликнинг қўшимча имкониятларини очди. Ушбу воқеа муносабати билан хурматли Александр Григорьевич Лукашенокни самимий қутлайман.

Биз Қозғистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига фаол ва самарали раислиги якунларини юксак баҳолаймиз, бугунги мажлисимиз кун тартибига киритилган масалалар ва қарорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Ушбу саммит халқаро вазият кескинлашган бир шароитда ўтмоқда. Янги вайронкор моҳирлар пайдо бўлмоқда, глобал ва минтақавий хавфсизликка хавф ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Бу давлатлар ўртасида ўзаро ишонч камаётган, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар ортиши натижасида геосийосий кескинлик тобора ўсаётган вазиятда кечмоқда.

Халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари тез-тез бузилмоқда. Тобора кучайиб бораётган инқироз ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича жаҳон ҳам-жамиятида мавжуд бўлган воситалар, афсуски, ўзининг самардорлигини йўқотди.

Бундай мураккаб вазиятда ШХТнинг асоси бўлган тамойилларга содиқлигимизни сақлаш ва янада мустақамлаш фавқуллода муҳимдир. Ана шу тамойиллар туфайли Ташкилот бугунги ютуқларга эришди, халқаро масалаларда юксак нуфуз ва барқарорлаштирувчи ўринга эга бўлди.

Келгусида ҳам "Шанхай руҳи"нинг

мустақам замини бўлган тамойиллар – ўзаро ишонч ва манфаат, тенглик, маданиятлар ранг-баранглигига хурмат ва умумий тараққиётга интилиш, қарорлар қабул қилишда консенсус тамойилининг ўзгармаслиги ва Ташкилотнинг блоклардан холи мақомини сақлаб қолиш, унинг очиқлиги, учинчи мамлакатларга қарши қаратилмагани, иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий салоҳиятидан қатъий назар барча иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини ҳурмат қилишга қатъий риоя этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда ШХТ ҳамжиҳатлиги заифлашишига йўл қўймастик муҳимдир. Биз "ШХТ оиласи" жипслигини кучайтиришимиз, биргаликда ривожланиш тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб, очилаётган янги имкониятлардан максимал даражада фойдаланишимиз зарур.

Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Жаҳон аҳолисининг 40 фоиздан ортиги, глобал ялпи ички маҳсулотнинг чорак қисминдан кўпроги мамлакатларимиз ҳиссасига тўғри келади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу бекиёс салоҳиятни рўёбга чиқариш биздан икчидий шерикликнинг янги моделларини шакллантириши ва ШХТ доирасида барқарор ривожланишнинг узок муддатли кун тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон 2030 йилга бориб миллий иқтисодиёт ҳажмини икки баробар оширишга қаратилган чуқур ўзгаришларни давом эттирмоқда. Бунга, аввало, инновацион ва юқори технологияли тармоқларни шакллантириш, "яшил" ва рақамли технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетика улушини тубдан ошириш ҳисобидан эришишга интиляпмиз.

Хурматли ҳамкасблар! Бизнинг ҳукми назаримиз бўйича ШХТ олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

(Давоми 2-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ "ШХТ ПЛЮС" ФОРМАТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Қозғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Остонадаги самимий қабул ва саммит ажиоиб тарада ташкил этгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Қозғистоннинг Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришни таъминлаган ШХТдаги самарали раислигини юксак қадрлаймиз.

Учрашувимизда қузатувчи давлатлар, мулоқот бўйича шерик мамлакатлар раҳбарлари ва фахрий меҳмонларни кўриб турганимдан хурсандман.

Хурматли тadbир иштирокчилари! Кенг форматдаги "ШХТ плюс" мажлисини айни вақтида ва бугунги замоннинг талаби билан ўтказилаётган тadbир, деб ҳисоблайман. Ҳозир дунё ишонч, адолат ва ҳамжиҳатлик қайта тикланишига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътиб сазмоқда.

Глобал сиёсий ва иқтисодий "парчаланлишлар", урушлар ва моҳирлар халқаро муносабатлар тизими асоси ва ҳал қилувчи тамойилларнинг емирилишига олиб келмоқда. Қарама-қаршилиқ ва протекционизм жаҳон иқтисодиёти парчаланishi ва етказиб бериш занжирлари узилишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатларнинг савдо, молия, сармоя, технология ва инновациялар трансфери соҳаларидаги самарали ҳамкорлигида тўқинлик қиладиган янги ажратувчи чегаралар вужудга келмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли – умумий хавфсизлик, тараққиёт ва фаровонлик учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришдир.

ШХТ ҳар доим халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролига таянадиган кўп томонламалик асосидаги адолатли дунё тартиботи тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу маънода, Ташкилотимиз сохта сиёсий ва мафкуравий қарашлардан

холи бўлган кенг кўламли ҳамкорликни ўрнатишга интилаётган кўплаб мамлакатларни ўзига тортадиган марказ бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда юзага келган воқелик Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти самарасини оширишда янги стратегик ёндашувларни талаб этмоқда. Ва бугунги кунда ўзининг 25 йиллиги арафасида турган ШХТ учун унинг улкан салоҳияти ҳамда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги ортиб бораётган ролига мос келадиган янги мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш вақти келди.

"Шанхай руҳи" ва Хартиянинг асосий тамойилларига таяниб, Ташкилот ичида бирдамлик ва жипсликни сақлаш лозим. ШХТ доирасида ишонч ва дўстлик муҳитини мустақамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириши, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишни таклиф қиламан.

Аввало, хавфсизликни таъминлаш масалаларида ШХТ фаолиятининг концептуал асосларига янги нигоҳ билан қарашимиз зарур.

Ташкилот таъсис этилган даврдан буён замонавий таҳдидларнинг табиати ва миқёси сезиларли даражада ўзгарди. Экологик ва табиий офатлар, сув ресурслари ва озиқ-овқат тақчиллиги, киберҳужумлар, суверенитет ва иқтисодий барқарорликка путур етказишнинг янги услублари кучайиб бораётган таҳдидлардир.

ШХТ салоҳиятини мустақамлаш масалаларини кўриб чиқишда, жумладан, Хавфсизликка хатар ва таҳдидларга қарши кураш бўйича универсал марказни ташкил этишда, буларнинг барчасини инobatга олиш зарур. Бу борада мамлакатларимиз ваколатли органлари раҳбарлари ва экспертлари иштирокида ҳар йили "Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ плюс мулоқоти"ни ўтказишни таклиф этаман.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль кун Остона шаҳрида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

ШХТ ДОИРАСИДАГИ КўП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тadbирда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислom Республикаси Президенти вазир-мунтазам Муҳаммад Муҳиб, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси

лапар юзасидан очик фикр алмашилди, ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари саммит иштирокчиларини қутлар экан, Қозғистоннинг ШХТга раислиги натижаларини юқори баҳолади, шунингдек, Беларусни ташкилотга аъзо бўлгани билан самимий табриклариди.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу саммит халқаро вазият кескинлашган бир шароитда ўтаётганини қайд этди.

– Бундай мураккаб вазиятда ШХТнинг асоси бўлган тамойилларга содиқлигимизни сақлаш ва янада мустақамлаш фавқуллода муҳимдир. Ана шу тамойиллар туфайли Ташкилот бугунги ютуқларга эришди, халқаро масалаларда юксак нуфуз ва барқарорлаштирувчи ўринга эга бўлди, – деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 2-бетда) ►

Жаҳон миқёсида ахборот коммуникация технологиялари ривожланиши баробарида кибертаҳдидларнинг сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Таҳдидларга қўра, дунё давлатлари кибертаҳдидлар оқибатида бир йилда 6 триллион доллар миқдоридан зарар кўрмоқда.

● Моҳият

Киберхавфсизликни ТАЪМИНЛАШ

амалиётда муҳим аҳамиятга эга



Мамлакатимизда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банк карталаридан пул маблағлари ноқонуний ечилишининг олдини олиш ва тўлов тизимлари киберхавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор таъ-

сирчан чоралар изчиллик билан амалга жорий этилмоқда. Шундай бўлса-да, фуқароларнинг банк карталаридан турли фирибгарлик йўли билан маблағларни ўзлаштириш ҳолатлари учраб турибди.

(Давоми 3-бетда) ►

Янги ташаббус

«Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформаси жорий этилади

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан Халқаро пресс-клуб ҳамкорлигида "Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.



СУДЛАРДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан кафолатли ҳимоя қилишга эришишда суд ишларида иштирок этувчи прокурорлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш одил судловни таъминлашнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига асосан судларда ишларни кўришда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги қонунчилик бузилиши, дав-

лат бюджетидан ундирувлар, ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш ҳамда божхона тўловларини ундиришга оид ишларда прокурор иштирокини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек, прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича прокурор суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор этилмаган бўлса, прокурор ушбу ишларни суддан талаб қилиб олиб ўрганиши ҳамда улар бўйича протест келтириши мумкинлиги белгиланмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар қатъият билан амалга оширилмоқда. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини Конституция даражасида мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодексга ушбу механизмни киритиш зарурати

Шундай кафолатлардан бири – иммунитет институтидир. Ушбу институт Конституция ва Жиноят-процессуал кодексда изчиллик билан ривожлантирилмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало "иммунитет" тушунчасига аниқлик киритиш ўринлидир. Иммунитет – лотинча сўз бўлиб, бирор нарсадан халос, озод бўлиш, деган маъноларни англатади. Иммунитетнинг ҳуқуқий институт сифатида пайдо бўлиши қадимги Рим қонуни билан боғлиқ.

Маълумки, илк марта Рим қонуниди солиқлар ёки давлат божларидан озод қилиш, шахсга, тоифага ёки жамиятнинг бир қисмига Сенат ёки император томонидан берилган махсус ҳуқуқ сифатида белгиланган. Шунингдек, жиноятчи ва жабрланувчининг ижтимоий ҳолатига қараб белгиланган ҳуқуқий жавобгарлик тарзи ва шунга тааллуқли "иммунитет" тушунчасига тарихда биринчи марта ўша ҳужжатда таъриф берилган.

(Давоми 3-бетда) ►



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Биринчи. Глобал даражада ишонч тақчиллиги мисли кўрилмаган даражага чиққан шароитда умумий хавфсизлигимизни таъминлашда янги ёндашувларни излаш зарурати ўсиб бормоқда.

Шу боис, ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамжиҳатлик бўйича биз илгари сурган Самарқанд ташаббусининг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

ШХТнинг Яхши кўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодекси қабул қилиниши ҳозирги янги шароитда мулоқотни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи. Иқтисодий соҳада ҳамкорлик бўйича стратегик юксалишга эришиш.

Ўзбекистоннинг Ташкилотга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси ўтган йил якунлари бўйича 20 фоиз, жорий йил бошидан буён эса яна 15 фоизга ўсди.

ШХТ доирасида савдо жараёнларини соддалаштириш бўйича битимни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Ҳужжатга савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, техник регламентлар ва сертифициклаш, фитосанитария ва ветеринария назорати тизимларини яқинлаштириш бўйича қўшма чора-тадбирларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш бўйича жаҳондаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада амалдаги рақамли савдо платформалари интеграциясини кўзда тутувчи ҳамкорлик дастурини тайёрлашни таклиф этамиз.

Учинчи. Саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш.

Энг аввало, инфратузилма, саноатнинг юқори технологияли тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бунда ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини пухта ўйлаб кўриш, ШХТ Жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш масаласини кўриб чиқишга қайтиш мумкин.

Тўртинчи. “Шарқ-Ғарб” ва “Шимол-Жануб” йўналишлари бўйича инклюзив транспорт тизимларини шакллантириш мамлакатларимиз иқтисодий салоҳияти-

ни самарали ривожлантириш имконини беради.

Алоҳида таъкидлаб айтаман: транспорт йўлаклари кўп вариантли бўлиши – бу бутун минтақамиз барқарор ривожланишининг энг муҳим шартидир.

Шунингдек, Логистика жараёнларини рақамлаштириш режасини ишлаб чиқиш, шу жумладан, мамлакатларимиз чегаралари орқали ўтадиган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларнинг электрон алмашувини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бешинчи. ШХТ маконида замонавий ва ишончли энергетика инфратузилмаларини кенгайтириш.

Биз Ўзбекистонда “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастурни қабул қилдик. Йилгига икки гигаватт қувватли қуёв ва шамол электр станцияларини ишга туширмоқдамиз. Саноат даражасида “яшил” водород ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш бошланди.

Қайта тикланадиган энергетикага инвестиция ва технологияларни жалб этишни рағбатлантириш бўйича ҳамкорликнинг комплекс режасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Олтинчи. Жадаллаштирилган рақамли трансформация.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиётга ўтиш, “сунъий интеллект”ни, илгор IT-қороларни жорий этиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу борада билимлар, тажриба ва энг яхши амалиётлар алмашуви, IT-паркларнинг тизимли ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида “ШХТ келажак технологиялари” дастурини ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Еттинчи. Ижтимоий ривожланиш ва ҳимоя соҳасида ШХТ мамлакатлари ҳамкорлиги бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Ишончим комилки, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш ва ҳудудларни, биринчи навбатда, қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни амалга ошириш 2030 йилгача мўлжалланган энг муҳим мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳисса бўлади.

Сақизинчи. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларни етказиб бериш имкониятлари номма-ном акс эттирилган мамлакатларимизнинг агросаноат соҳасидаги салоҳияти ҳақидаги маълумотларни

бирлаштирадиган “ШХТ озиқ-овқат хавфсизлиги атласи” қўшма электрон платформасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли йигилиш иштирокчилари! Хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф ва хатарларга қарши курашишда мамлакатларимиз ваколатли органлари фаолиятини яқиндан мувофиқлаштиришни, шу жумладан, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси йўналишида давом эттириш зарур.

Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ва минтақавий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган қўшни Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Афғонистоннинг ҳозирги маъмурияти билан муносабатларни ўрнатиш борасидаги ёндашувлар турли экани маълум. Аминманки, Қобул билан мулоқотларни сақлаш бутун минтақанинг хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт борасидаги манфаатларига мос келади. Тобора кўпроқ давлатлар буну тушуниб етмоқда.

Шу муносабат билан, “ШХТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳининг фаолиятини қайта тиклаш ҳақидаги таклиф ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Саммитимиз ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари – Пекин шаҳридаги Котибият ва Тошкент шаҳридаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси ташкил этилганига 20 йил тўлган йилда ўтмоқда. Қисқа даврда улар шериклигини самарали механизми сифатида мустаҳкам қарор топди ва кўп томонлама институтлар ўртасида муносиб ўрин эгаллади.

Биз ШХТни янада ривожлантириш жараёнлари тарафдоримиз ва Ташкилотимизнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги таклифни қабул қилишга тайёрмиз.

Сўзимнинг якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раисликни Хитой Халқ Республикаси қабул қилиб олаётгани муносабати билан ҳурматли Си Цзиньпин Жаноби Олийларига билдирилган табрик сўзларига қўшилиман.

Ўзбекистон ШХТ доирасида кўп қиррали шерикликни янада кенгайтиришга содиқ эканини яна бор тасдиқлайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ШХТ ПЛЮС” ФОРМАТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон ШХТ маконида ҳамон тарқоқ ҳолда бўлиб келаётган савдо-иқтисодий ҳамкорликни изчил “қайта ишга тушириш”ни таклиф қилади. Биз ҳалига қадар кўп томонлама савдо ва тармоқлараро шериклиكنинг мустаҳкам асосларини ярат олмадик. Анча вақтдан буён ШХТ Жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш масаласи бўйича консенсусга эришилмади.

Биз бугун саммитда савдо жараёнларини соддалаштириш ва электрон савдонини ривожлантириш, технологик кооперацияни, шу жумладан, келажак саноат тармоқларини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилишга келишиб олддик.

Барча шерикларни жалб қилган ҳолда бизнес-мулоқот учун самарали платформани яратиш мақсадида мамлакатларимизда ҳар йили “ШХТ ЭКСПО” халқаро саноат кўргазмасини ўтказишни таклиф этамиз.

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши, Евросоюз иқтисодий иттифоқи, АСЕАН ва бошқа ташкилотлар билан иқтисодий муносабатларни фаол илгари суриш ва ўзаро боғлиқ қўшма ташаббусларни рўёбга чиқариш имкониятларини излаш муҳимдир.

Бугунги янги геосийёсий воқелик шароитида минтақалараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш учун инклюзив ва интеграциялашган транспорт-транзит тизимларини шакллантириш зарурлигини ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Иқлим ўзгариши ва экологик

фик фожиалар каби глобал муаммолар Ташкилотимиз эътиборидан четда қолиб кетиши мумкин эмас. Мамлакатларимиз табиий офатлар, тупроқ деградацияси, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик пасайиши, ҳавонинг ифлосланиши, сув етишмаслиги каби муаммолар билан тез-тез туқнаш келмоқда.

Иқлим муаммолари бўйича ҳамкорлик ШХТ янги кун тартибининг муҳим қисми бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. “Яшил” тараққиёт соҳасида умумий мақсад ва вазифаларга эришиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган Иқлим ўзгаришига қарши курашишда ҳамкорлик бўйича битим ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Тошкент шаҳрида ШХТнинг Иқлим муаммолари бўйича инновацион ечимлар марказини ташкил этишни таклиф қиламиз. Марказ экологик барқарорлик, “яшил” ўсиш соҳаларида тадқиқотлар олиб боради.

Аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари Ташкилот кун тартибиде марказий ўринни эгаллаши лозим. Келгуси йили Самарқанд шаҳрида Келажак саммити мақсадларига эришишга муносиб ҳисса қўшиш учун БМТ шафёълигида барқарор ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича глобал конференция ўтказишни режалаштирганмиз.

Биз цивилизациялараро мулоқотнинг ноёб моделини илгари суришимиз ва биргаликда мустаҳкамлашимиз зарур. Бой маданий-тарихий ва маънавий мерос, анъана, урф-одатлар ва халқларимизнинг турмуш тарзи – бу ўзаро ишонч кўпригини, яхши кўш-

ничилик ва яқин дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қудратли ва ҳаётбахш кучдир.

Айнан ана шу эзгу гоё яқинда бизнинг умумий ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Халқаро цивилизациялар ўртасида мулоқот кўни” резолюциясида ўз ифодасини топган.

Бу борада биз илгари сурган, конструктив мулоқот ва кўп томонлама шериклик йўли билан ишонч тақчиллигининг олдини олишга қаратилган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик бўйича Самарқанд ташаббуслари ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши барқарор ривожланиш йўлидаги зиддиятларни енгиб ўтишда цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аминманки, биз биргаликда маданият, таълим, ёшлар ва сайёҳлик алмашувлар соҳасидаги дастурларни амалга ошириш орқали Ташкилотимизни янада бунёдкор тузилмага айлантирамиз.

Шу мақсадда юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлардаги лойиҳаларни тизимлаштириш ва барча манфаатдор томонларни жалб этган ҳолда биргаликда амалга оширишга хизмат қиладиган ШХТ гуманитар ташаббус ва дастурлари ягона банкни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ушбу учрашувимиз якунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп қиррали шериклигимиз ривожига кучли туртки беришига ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ШХТ ДОИРАСИДАГИ КўП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу нуктаи назардан, Президентимиз “Шанхай руҳи”нинг асосий тамойилларига – ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маданиятлар ранг-баранглигига ҳурмат, блоклардан холи мақомни сақлаб қолиш, қарорлар қабул қилишда консенсус принциплари қатъий амал қилишни давом эттиришга чакорди.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бугунги воқеликда ШХТ ҳамжиҳатлиги заифлашишга йўл қўймади муҳимдир. “Биз “ШХТ оиласи” жипслигини кучайтиришимиз, биргаликда ривожланиш тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиб, очилаётган янги имкониятлардан максимал даражада фойдаланишимиз зарур”, деди Шавкат Мирзиёев.

ШХТ мамлакатларининг улкан ривожланиш салоҳиятини рўёбга чиқариш учун иқтисодий шериклиكنинг янги моделини шакллантириш ва барқарор ривожланишнинг узоқ муддатли кун тартибиди ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари ШХТ олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида сўз юритар экан, қуйидагиларга эътибор қаратди.

Глобал даражада ишонч тақчиллиги мисли кўрилмаган даражага чиққан шароитда умумий хавфсизликни таъминлашда янги ёндашувларни излаш зарурати ўсиб бормоқда.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамжиҳатлик бўйича Самарқанд ташаббусини амалга ошириш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқотни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ШХТнинг Яхши кўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодексини қабул қилишга чакорди.

Иқтисодий йўналишда стратегик юксалишга эришиш учун ташкилот доирасида савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимни, амалдаги рақамли савдо платформаларини интеграция қилган ҳолда электрон тижорат соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш доирасида ўзаро инвестицияларни, энг аввало, инфратузилма, саноатнинг юқори технологик тармоқлари ва хизматлар соҳасига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш мақсадида мувофиқлиги қайд этилди.

Бундай лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш, жумладан, ШХТ Жамғармаси ва Тараққиёт банкини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси ШХТ мамлакатларининг иқтисодий салоҳиятини самарали ривож-

лантиришга хизмат қиладиган “Шарқ – Ғарб” ва “Шимол – Жануб” йўналишларида инклюзив транспорт тизимини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, логистика тартиб-таомилларини рақамлаштириш, жумладан, ШХТ мамлакатлари чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар тўғрисида электрон маълумотлар алмашувини ташкил этиш режасини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ташкилот маконида замонавий ва ишончли энергетика инфратузилмасини кенгайтириш мақсадида қайта тикланадиган энергетикага инвестициялар ва технологияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс ҳамкорлик режасини тайёрлаш ташаббуси билдирилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз рақобатбардошлигини таъминлашда рақамли иқтисодиётга ўтиш, “сунъий интеллект” ва илгор IT-ечимларни жорий этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан ушбу соҳада билим ва илгор тажриба алмашуш имконини берадиган “ШХТ келажак технологиялари” дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси билан қикди.

Ўзбекистон Президенти ШХТ мамлакатлари ўртасида ижтимоий ривожланиш ва ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш ва ҳудудларни, биринчи навбатда, қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни амалга ошириш 2030 йилгача мўлжалланган энг муҳим мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳисса бўлиши таъкидланди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларни етказиб бериш имкониятлари номма-ном акс эттирилган мамлакатларимизнинг агросаноат соҳасидаги салоҳияти ҳақидаги маълумотларни бирлаштирадиган “ШХТ озиқ-овқат хавфсизлиги атласи” қўшма электрон платформасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Бунга БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертларини жалб этиш таклиф этилди.

Минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари замонавий хавф ва хатарларга қарши курашишда мамлакатларимиз ваколатли органлари фаолиятини яқиндан мувофиқлаштиришни, шу жумладан, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси йўналишида давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ва минтақавий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхтади.

Президентимиз Афғонистоннинг ҳозирги маъмурияти билан муносабат ўрнатиш борасидаги ёндашувлар турли эканини қайд этиб,

Қобул билан бутун минтақанинг хавфсизлиги ва иқтисодий тараққиёти манфаатларига жавоб берадиган мулоқотни давом эттиришга чакорди. Шу маънода, “ШХТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳининг фаолиятини қайта тиклаш ҳақидаги таклиф ҳамон долзарб бўлиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Сўзимнинг якунида давлатимиз раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпинни Хитой Халқ Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расмлик миссиясини қабул қилгани билан табриклади. Йигилиш якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Хусусан, Остона декларацияси ва ҳамкорлиكنинг турли соҳаларида шерикликни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кўп томонлама ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ШХТ давлат раҳбарлари томонидан Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик режаси ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг Яхши кўшничилик, ишонч ва шериклик тамойиллари тўғрисидаги баёноти тасдиқланди.

Шу кунги Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида “ШХТ плюс” форматининг “Кўп томонлама мулоқотни мустаҳкамлаш – барқарор тинчлик ва тараққиёт сари интилиш” мавзусидаги учрашувида ҳам қатнашди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар делегациялари ва унинг доимий фаолият юритувчи органлари раҳбарларидан ташқари қузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлар етакчилари, фахрий меҳмонлар, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида кенг тартибдаги “ШХТ плюс” йигилиши айни вақтида ўтказилаётганини таъкидлади.

– Ҳозир дунё ишонч, адолат ва ҳамжиҳатлик қайта тикланишига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда, – деди Президентимиз.

Бугунги глобал жараёнларга баҳо берад экан, давлатимиз раҳбари сийёсий ва иқтисодий “парчаланлишлар”, урушлар ва можаролар халқаро муносабатлар тизими асоси ва ҳал қилувчи тамойилларининг емирилишига олиб келаётганини қайд этди.

– Қарама-қаршилик ва протекционизм жаҳон иқтисодиёти парчаланishi ва етказиб бериш занжирлари узилшига сабаб бўлмоқда. Мамлакатларнинг савдо, молия, сармоя, технология ва инновациялар трансфери соҳаларидаги самарали ҳамкорлигида тўқинлик қиладиган янги ажратувчи чегаралар вужудга келмоқда, – деди Президент.

Таъкидланганидек, “ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли – умумий хавфсизлик, тараққиёт ва фаровонлик учун сый-ҳаракатларимизни бирлаштиришдир”.

Ўзбекистон раҳбари ШХТ ҳар доим халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва БМТнинг марказий мувофиқлаштириш ролига таянадиган кўп томонламалик асосидаги адолатли дунё тартиботи тарафдори бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Шу билан бира, юзага келган воқелик Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти самарасини оширишда янги стратегик ёндашувларни талаб этмоқда.

– Ташкилотимизнинг улкан салоҳияти ҳамда жаҳон сийёсати ва иқтисодиётидаги ортиб бораётган ролига мос келадиган янги мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш вақти келди, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ШХТ таъсис этилган даврдан буён замонавий таҳдидларнинг табиати ва миқёси сезиларли даражада ўзгаргани сабабли хавфсизликни таъминлаш масалаларида унинг фаолиятининг концептуал асосларига янги нигоҳ билан қарашни таклиф қилди.

ШХТ салоҳиятини мустаҳкамлашда, жумладан, Хавфсизликка хатар ва таҳдидларга қарши кураш бўйича универсал марказни ташкил этишда ушбу омиларни ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти ваколатли органлар раҳбарлари ва экспертлар иштирокида ҳар йили “Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ плюс мулоқоти”ни ўтказиш ташаббусини илгари суриди.

Президентимиз ШХТ маконида савдо-иқтисодий ҳамкорликни изчил “қайта ишга тушириш”, кўп томонлама савдо ва тармоқлараро шериклиكنинг мустаҳкам асосларини яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Саммит давомида томонлар савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон савдонини ривожлантириш, технологик кооперацияни, шу жумладан, келажак саноати тармоқларини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўришга келишиб олгани таъкидланди.

Бизнес мулоқоти учун самарали платформани шакллантириш мақсадида Ўзбекистон етакчиси барча шерикларни жалб қилган ҳолда ҳар йили “ШХТ ЭКСПО” халқаро саноат кўргазмасини ўтказишни таклиф этди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши, ЕОИИ, АСЕАН ва бошқалар билан иқтисодий ҳамкорликни фаол илгари суриш ва қўшма ташаббусларни амалга ошириш имкониятларини излаш муҳимлиги қайд этилди.

Бугунги геосийёсий вазиятда ҳудудлараро ўзаро боғлиқликни кучайтириш учун инклюзив ва интеграциялашган транспорт-транзит тизимини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек,



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳолатлар соҳада замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда кибертаҳдидларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг 53-ялпи мажлисида "Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун маъқулланди.

Айтиш керакки, янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва 8 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қўлланилган жарималарда "ўта муҳим ахборот" тушунчасида муҳимлик даражасини белгилашда аниқ мезонлар мавжуд бўлмагани сабабли у "конфиденциал ахборот" тушунчаси билан алмаштирилмоқда.

"Марказий банк тўғрисида"ги қонунга кредит ташкилотлари, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ва кредит бюрolari фаолиятида киберхавфсизликни таъмин-

лаш билан боғлиқ тегишли қўшимчалар киритилмоқда. Шу асосда Марказий банкнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда.

Марказий банкка, жумладан:

- микромолия ташкилотлари, ломбардлар, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, банклар, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ҳамда кредит бюрolari фаолиятида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

- ахборот хавфсизлигига ва киберхавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича йиллик чора-тадбирлар режаларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш;
- аниқланган киберхавфсизликка оид ҳодисалар ҳамда таҳдидлар тўғрисида Марказий банк билан тезкор ахборот алмашиш тартибини белгилаш каби ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, Марказий банкнинг вазифалари ҳам кенгайтирилмоқда. Бундай янги вазифалар қаторида, хусусан:

- биринчидан, киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржа-

лари ва кредит бюрolarининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини аниқлаш; **иккинчидан**, уларнинг реестрини шакллантириш, киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни ишлаб чиқиш ҳамда ахборот тизимлари ва ресурсларини, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик талабларига мослиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

- **учинчидан**, ахборотлаштириш объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича йиллик чора-тадбирлар режаларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш;
- аниқланган киберхавфсизликка оид ҳодисалар ҳамда таҳдидлар тўғрисида Марказий банк билан тезкор ахборот алмашиш тартибини белгилаш каби ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, Марказий банкнинг вазифалари ҳам кенгайтирилмоқда. Бундай янги вазифалар қаторида, хусусан:

- **биринчидан**, киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржа-

лари ва кредит бюрolarининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини аниқлаш; **иккинчидан**, уларнинг реестрини шакллантириш, киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни ишлаб чиқиш ҳамда ахборот тизимлари ва ресурсларини, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик талабларига мослиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

- **учинчидан**, ахборотлаштириш объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича йиллик чора-тадбирлар режаларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш;
- аниқланган киберхавфсизликка оид ҳодисалар ҳамда таҳдидлар тўғрисида Марказий банк билан тезкор ахборот алмашиш тартибини белгилаш каби ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, Марказий банкнинг вазифалари ҳам кенгайтирилмоқда. Бундай янги вазифалар қаторида, хусусан:

- **биринчидан**, киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржа-

чи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой мобайнида тўлов тизимининг оператори томонидан қоидабузарликлар бартараф этилмаган тақдирда Марказий банкнинг тўлов тизими оператори лицензиясини қақриб олишга ҳақли бўлади.

Шунингдек, "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги қонунга қўшимчалар киритилиб, нобанк кредит ташкилотлари томонидан ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талаблар бажарилмаган тақдирда Марказий банк уларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаши белгиланмоқда.


Хулоса қилиб айтганда, янги қонун кредит ташкилотлари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида ҳамда электрон ҳуқуқ тизимида ахборот хавфсизлигини янада кафолатли таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, киберхавфсизликни таъминлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид ҳуқуқий асос янада мустаҳкамланади.

Қобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари

Таҳлил ва таклиф

Иммунитет
ИНСТИТУТИ

янги таҳрирдаги
Жиноят-процессуал кодексга
ушбу механизмни киритиш зарурати



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Албатта, бэзан ҳаётда иммунитетга эга шахсларнинг хизмат фаолиятини мустақил ва адолатли амалга оширишига тўсқинлик қилиш ёки ушбу шахслар томонидан ўз иммунитет имтиёзини суистеъмол қилиши ҳолатлари учраб туради. Бу, ўз навбатида, иммунитет билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Иммунитетни институт сифатида жиноят процессига олиб кириш жараёни, ўз-ўзидан, унинг субъектлари ва турларини кўпайтиришни тақозо қилади. Булар сирасига адвокатлар, терговчилар ва бошқа махсус субъектларни кўйиш, жиноий процессуал нормаларни иммунитетни бор шахсларга нисбатан тадбиқ қилиш, процессуал иммунитет тушунчаси, мазмуни ва маъносига янги ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини киритиш мумкин.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодекснинг 4, 223, 239, 596-моддаларида иммунитетга эга шахсларга оид нормалар белгиланган. Аммо ушбу нормалар ҳозирги жиноий ҳуқуқий тизимдаги муносабатларни тўлиқ тартибга сола олмайди. Чунончи, прокурор ва терговчида иммунитет мавжуд бўлган ҳолатда, прокуратура терговчисидан ушлаб туриш жараёнида иммунитет мавжуд эмас. Бошқа идора терговчилари, адвокатлар, Ҳисоб палатаси аудиторларига умуман иммунитет ҳуқуқи белгиланмаган. Шу билан бирга, амалдаги қонунда иммунитетга эга шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар бўйича олиб қўйиш, тинтув, лавозимдан четлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатлари ҳамда процессуал мажбуриятлар чоралари ўтказишнинг алоҳида тартиби белгиланмаган.

Бундан ташқари бу борада "Иммунитет ҳуқуқи"га эга шахслар лавозимдан озод этилган, ушбу лавозимдаги фаолияти бўйича иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадими", деган савол ҳам кун тартибига чиқмоқда. Яъни иммунитетдан лавозимдан озод этилган шахсларнинг иммунитетини қайтариш бўйича иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадими", деган савол ҳам кун тартибига чиқмоқда. Яъни иммунитетдан лавозимдан озод этилган шахсларнинг иммунитетини қайтариш бўйича иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадими", деган савол ҳам кун тартибига чиқмоқда.

Бундан ташқари бу борада "Иммунитет ҳуқуқи"га эга шахслар лавозимдан озод этилган, ушбу лавозимдаги фаолияти бўйича иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадими", деган савол ҳам кун тартибига чиқмоқда. Яъни иммунитетдан лавозимдан озод этилган шахсларнинг иммунитетини қайтариш бўйича иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадими", деган савол ҳам кун тартибига чиқмоқда.

деган масалалар қонунчиликда аниқ белгиланиши лозим, деган фикрда-миз.

Шунингдек, амалдаги қонун талабига кўра, жиноят иши кўзга таш судьяга нисбатан Бош прокурор, адвокатга нисбатан Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан, прокурор, унинг терговчиси ва суриштирувчисига нисбатан прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

"Судлар тўғрисида"ги қонунга кўра, туманлараро, туман (шаҳар) суди, ҳудудий ҳарбий суднинг судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судларнинг судьяларига нисбатан эса, Олий суд судловига тегишлидир.

Ҳаётда иммунитетга эга шахсларнинг хизмат фаолиятини мустақил ва адолатли амалга оширишига тўсқинлик қилиш ёки ушбу шахслар томонидан ўз иммунитет имтиёзини суистеъмол қилиши ҳолатлари учраб туради. Бу, ўз навбатида, иммунитет билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Аммо бундай нормалар Жиноят-процессуал кодексда ўз ифодасини топмаган. Ваҳоланки, Жиноят-процессуал кодекснинг 1-моддасига кўра, мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларини қиритиш тартиби Жиноят процессуал кодекси билан белгиланади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинадиган Жиноят-процессуал кодексининг "Иммунитет ёки имтиёзга эга шахсларга нисбатан иш қиритиш" номли янги боб билан тўлдириб таклиф қилинади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинадиган Жиноят-процессуал кодексида "Иммунитет ёки имтиёзга эга шахсларга нисбатан иш қиритиш" номли янги боб билан тўлдириб таклиф қилинади.

Бегзод ҲАЙДАРОВ,
Фаргона вилояти
суди судьяси

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ
МАЪМУРИЙ КЕНГАШЛАРИ ТУГАТИЛАДИ

Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳасига асосан махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг вазифалари махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ҳамда ягона дирекцияларга юклатилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳала-

рини жойлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш мuddатларини оптималлаштириш, инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асосларига экспертиза хулосалари олиш талаби бекор қилиниб, лойиҳаларнинг қонун лойиҳасида акс этаётган талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса махсус иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан мустақил равишда қабул қилиниши белгиланмоқда.

Аввало шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 54-моддасида инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади экани қайд этилган. Мазкур конституциявий қонунда ҳаётда тўлиқ ифодасини топшишда суд ҳимояси муҳим ўрин тутади. Чунки Конституциямизнинг 55-моддасига мувофиқ, ҳар кимга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган мuddатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи кафолатланган.

Шу ўринда ҳаётини ми-солларга эътибор қаратсак, Фарғона вилоятида яшовчи Ҳалимжон Раҳмонов 2018-2023 йилларда "Uz-Prista Recycling" масъулияти чекланган жамиятида бош муҳандис лавозимида фаолият юритган. Корхона фаолияти учун зарур ходим бўлгани сабабли Ҳ.Раҳмонов ишлаган даврлари учун меҳнат таътилига чиқмаган. Бироқ Ҳ.Раҳмонов 2023 йилнинг 19 июнь кuni ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган. Меҳнат шартномасини бекор қилишга оид буйруқда бош ҳисобчи Р.Ражабовга бош муҳандис учун белгиланган барча ҳисоб-китобларни

амалга ошириш қайд этилган. Аммо 2023 йил октябрь ойида унга қисман иш ҳақи тўланган, ҳолос. Яъни олти йиллик меҳнат таътили пули ва иш ҳақининг қолган қисми тўланмаган. Бундан норози бўлган Ҳ.Раҳмоновнинг корхона раҳбари ва бош ҳисобчисига қилган мурожаатлари жавобсиз қолган. Шундан сўнг собиқ бош муҳандис фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Uz-Prista Recycling" масъулияти чекланган жамияти ҳисоби-дан 88 миллион 913 минг сўм иш ҳақи ва 259 миллион 595 минг сўм компенсация тўло-

ТУНГИ ВАҚТДА ФУҚАРОЛАРНИНГ
ОСОЙИШТАЛИГИНИ БУЗГАНЛИК
УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

"Аҳолини шовқининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида аҳолини шовқининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг асосий принциплари, атроф табиий муҳитга шовқин орқали зарарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари, бунга масъул давлат органларининг ваколатлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари давлат органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолини шовқининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари ҳамда жавобгарлик соҳаларининг аниқ чегаралари белгиланмоқда. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат са-

ломатлиги қўмитаси аҳолини шовқининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли орган сифатида эътироф этилмоқда.

Сутканинг соат 23:00 дан 06:00 гача бўлган вақт оралиғида, шунингдек, дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 22:00 дан 09:00 гача вақт оралиғида фуқароларнинг осойишталиги ва дам олишнинг бузганлиги учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланмоқда.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Конституциявий кафолат

СУД ҲИМОЯСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ
КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

вини ундиришни сўраган.

Бош қомусимизда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, меҳнат учун ҳақ олиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва ма-лакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қатъий белгиланган.

Шу боис суднинг 2024 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, "Uz-Prista Recycling" масъулияти чекланган жамияти ҳисоби-дан Ҳ.Раҳмонов фойдасига 400 миллион 791 минг сўм ундириш белгиланган.

Лекин жавобгар суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция шикоятини мурожаат қилади. Яъни ҳал қилув қарорини

бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори асосида даъвони рад қилишни сўрайди.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 244-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ҳо-лакка бажарган иши учун ҳақи белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 253-моддасида кўрсатилган мuddатларда тўла-ши шарт экани белгиланган.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 333-моддасида иш берувчи иш ҳақи, таътил тўловлари, меҳнат шартнома-си бекор қилингандаги тўлов-лар ва (ёки) ходимга тўла-ниши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлаш мuddати-ни бузган тақдирда, уларни тўлов мuddатидан кейинги

кундан эътиборан то ҳақиқат-да ҳисоб-китоб қилинган кун-ни ўз ичига олган мuddатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шартлиги ҳам қайд этилган.

Ана шу асосларга таянган Фарғона вилояти суди Ҳ.Раҳмоновга аввал қисман тўлов амалга оширилгани, аммо асосий иш ҳақидан қарздор-ликни тўлаш пайсалга соли-линганини инобатга олган ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун пеняни ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолда ажрим чиқарди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Янги ташаббус

«Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

«Бошланиши 1-бетда»

Таъкидланганидек, мазкур қарор «Ўзбекистон – 2030» стратегиясига мувофиқ аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириб боришнинг кенг қамровли тизимини жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Шу муносабат билан 2025 йил 1 январдан «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасини жорий этиш белгиланди.

Виртуал академияда ўқув фаолиятини ташкил этиш ва юритиш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан амалга оширилади.

Анжуманда масъуллар бу борада ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ишлар, вазифа ва мақсадлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Хусусан, Агентлик ўқитилиши лозим бўлган давлат хизматчилари контингентини шакллантиради. Академия билан келишган ҳолда йиллик ўқитиш режа-графикини тасдиқлайди. Ўқув жараёни сифатли ташкил этилишини мониторинг қилиб боради. Ҳар йили Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига Виртуал академия фаолияти юзасидан ахборот киритилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академи-



яси Виртуал академиянинг узлуксиз яшлашини таъминлайди, ўқув жараёнини ташкил этади. Ўқитиш натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантиради, тингловчиларнинг реестрини юритади.

Виртуал академияда фуқароларнинг барча қатламлари, жумладан, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари, давлат органлари ва ташкилотларнинг давлат хизматчилари, давлат иштирокчидаги корхоналарнинг ходимларини ўқитиш амалга оширилади.

Виртуал академияда ўқитиш базавий курсларда барча учун бепул,

махсус курсларда эса тўлов-шартнома асосида йўлга қўйилади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий тадқиқотларни янада жаддаллаштириш ва сифатини ошириш мақсадида Агентлик олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантиради. Барча олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижаларини ҳар йили тақдим этиб боради.

Ўз навбатида, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мазкур соҳадаги ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий-амалий ишланмалар ва илмий-тадқиқот ишлари

бўйича электрон маълумотлар базасини юритади.

Матбуот анжумани мобайнида мазкур қарор асосида тасдиқланган «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасининг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Унга мувофиқ, 2025 йил 1 январга қадар «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформаси ва унинг мобиль иловаси ишга туширилади. 2024 йил 1 октябрга қадар Виртуал академияда ташкил этиладиган махсус дастурлар ва контент ишлаб чиқилади.

Платформада таълим олувчилар учун Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE) дастури доирасида сифатли мультимедиа фильм, видеолар ва аудиоматериалларни яратиш чоралари кўрилади.

Матбуот анжуманида қарор ижроси доирасида амалга ошириладиган вазифалар, янги механизмлар бўйича иштирокчилар берган саволларга масъуллар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Кўзгикариш ФАКТЛАР Азал-азалдан инсонни табиатнинг сир-синаотлари, турли хил ақл бовар қилмайдиган воқеа-ҳодисалар хайратга солиб келади. Табиатда шундай сирли воқеа-ҳодисалар ҳам учрайдики, фан ва техника юксак тараққиёт этгани бугунги кунда ҳам улар жумбоқлигича қолиб келмоқда. Масалан, Польшанинг ғарбий қисмида, Ғарбий Померания вилоятида жойлашган ўрмон ҳам сир-синаоти билан узоқ вақтдан буён одамларнинг хайрату қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда.



АЖАБТОВУР ЎРМОН ЖУМБОҒИ

Хўш, ушбу ўрмон қандай сир-синаотга эга?

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, ўрмонда буй чўзган барча қарағай дараклари бир хил кўринишда, яъни бир томонга оғиб, сўнг юқорига буй чўзган. Четдан қарасангиз, барча қарағайлар худди моҳир боғбон атай бир хил шакл берганидек, бир томонга оғиб ўсганига гувоҳ бўласиз.

Маълумотларга кўра, бу ўрмон 1930 йили барпо этилган бўлиб, қарий икки гектар майдонда 400 туп қарағай кўка буй чўзиб турибди. Бу ноёб ўрмонни ҳозир давлат ўз химоясига олган, даракларни нафақат кесиш, балки илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ҳам қатъият таъқиқланади.

Ўрмонда барча дараклар бирдек ердан тахминан 40 сантиметр баландликдан бошлаб, шамол эсган томонга оғиб, сўнг юқорига буй чўзган. Хайратланарли томони шундаки, ўрмонда биронта даракт бу қонунятни бузмаган, ҳаммаси айнан бир хил ўлчам ва шаклда бир томонга оғиб, ўсган.

Албатта, ўрмондаги беш-олти, боринги, ўнта даракт шундай кўринишга эга бўлганида, ҳеч кимнинг эътиборини тортмасди. Аммо барча даракларнинг бир хил шаклга кириши табиийки, ҳамманинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, саксон ёшли қарағай даракти учун 15 метр баландлик меъёр эмас. Эҳтимол, ушбу ўрмонда дараклар тик ўсган ҳолда ўсганида шундай баландликка буй чўзиши тайин енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига ҳуқуқий баҳо берди.

Яқунда И.Самадовни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в, ж» бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганида айбдор деб топилди, унга нисбатан ўн саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳазосини тайинланди. Кўришиб турганидек, кўнгилда туғилган нафрат ва ғазаб адоват ўчоғига ўт қалаши оқибати бир инсоннинг ҳаёти бевақт завол топиши билан яқунланди. Қолаверса, спиртли ичимлик истеъмоли ҳам бу фожиянинг келиб чиқишига сабаб бўлганини айтиш жоиз. Бу эса, ўз навбатида, кўни-қўшничилик одоби, меҳр-оқибат, кеңиричилиқ, бағрикенглик каби инсоний фазилатларнинг жамият ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканидан далолатдир. Шу боис соғлом турмуш тарзи ва инсонларварлик тамойилларини тарғиб этиш ҳаммаша долзарб масала бўлиб қолаверади.

Жаҳонгир ҒАЙБУЛЛАЕВ, жиноят ишлари бўйича Булунгур тумани суди раиси Абдуҳамид АБДУОЙБЕРДИЕВ, «Куч — адолатда» мухбири

ча қолиб келмоқда.

Бугунги кунда қўриқхонага айлантирилган ўрмонга фақат махсус руҳсатнома билан кириш мумкин. Шунда ҳам йўлбошчи бўлмаса, ўрмонда адашиб қолиш турган гап. Сайёҳларнинг айтишича, ўрмонда кучли қувват бор, дараклар оралаб юрган ҳар бир киши буни ўзининг вужудида аниқ ҳис этади. Бундан ҳам ажабланарлики шундаки, ўрмон ичига қадам босган киши ўзини ташқи дунёдан узилиб, ўзга оламга тушиб қолгандек ҳис этади. Ўрмон кеча-кундуз оғир сукунатга ботиб этади, на қўшларнинг сайраши, на чигирталарнинг чириллаши қулоққа қалинади.

Айтиш керакки, даракларнинг бундай шаклда ўсиши ягона табиат ҳодисаси эмас. Сўнгги маълумотларга кўра, Россиянинг Калининград вилоятидаги қўриқхонада ҳам шундай шаклда ўсган дараклар бор экан.

Табиатшунос олимларнинг илмий хулосаларига кўра, даракларнинг бундай ажабтовур шаклга киришида ҳаво ҳароратининг ўзгариши ёки ҳашаротлар таъсирида юзага келган бўлиши мумкин. Бунинг устига табиатда шундай ҳашаротлар ҳам борки, улар даракт новдасини кемириб, меъёрий ривожланишига кескин таъсир ўтказиши.

Ғаройиб шаклга кирган қарағайлар билан ҳам шундай ҳодиса рўй берган бўлиши мумкин. Космобиология фани мутахассислари эса, даракларнинг бундай шаклга кириб қолишида ушбу ҳудуддаги биокувват сабаб бўлган, деган фикрни таъкидлашади. Коинотдан олинган тасвирга кўра, ўрмон худуди ўзига хос кўринишда чегараланган бўлиб, биомайдони салбий қувват тарқатар экан. Дараклар ҳам мана шу қувват сабабли бир тарафга оғиб ўсган бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, эзотерик фани мутахассислари бу фикрни бутунлай инъкор этиб, ўрмондаги даракларга суюниб турсангиз, танингиздаги хасталиқлардан фориг бўлаётганингизни ҳис этасиз, деб таъкидлашади. Бу фикр ҳам илмий жиҳатдан ўз исботини топмаган бўлса-да, маҳаллий аҳоли орасида бу ўрмоннинг «табиб»лиги тўғрисида турли хил афсонасифат гап-сўзлар юради.

Хуллас, бизни қуршаб турган табиат шундай сир-синаот ва жумбоқли воқеа-ҳодисаларга бой. Бу ўз навбатида, инсонни изланишга, ушбу жумбоқларнинг оқилона ечимини топишга ундаши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Интернет материаллари асосида Бобомурод ҒАЙИМОВ тайёрлади.

Конституциявий кафолат

СУД ХИМОЯСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

«Бошланиши 3-бетда»

Аниқроғи, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларари суди томонидан 2024 йил 7 февралда чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига ўзгартириш киритилиб, «Uz-Prista Recycling» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Ҳ.Раҳмонов фойдасига жами 300 миллион 502 минг сўм ундириш белгиланди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, 2018 йил ноябрь ойда Зоҳид Мўминов Мухриддин Камоловнинг «Спарк» русумли автомашинасини сотмоқчи эканидан хабар топиб, харидор бўлади.

Ўзаро савдо чоғида автомашина 6700 АҚШ долларига баҳоланади. Келишувга кўра, 3.Мўминов пулнинг 2000 АҚШ долларини олдиндан, қолган қисмини бир ой муддатда бериши шарт эди. Соддадил М.Камолов унинг қуюқ ваъдаларига ишониб, олди-сотди ҳужжатларига имзо қўяди. Лекин 3.Мўминов берган ваъдасини бажариш у ёқда турсин, орадан кўп вақт ўтмай автомашинани бошқа шахсга сотиб юборади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Шундан сўнг 3.Мўминов жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 29 сентябрдаги ҳукмига мувофиқ Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбдор деб топилди, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Шунингдек, суд ҳукмида 3.Мўминовдан жабрланувчи Мухриддин Камолов фойдасига 4700 АҚШ долларининг миллий валютасиздаги қиймати миқдоридан моддий зарарни ундириш ҳам белгиланади. Аммо 3.Мўминов қарзини узишни хаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, пайсалга солиб юраверади. Бунинг оқибатида М.Камолов руҳий, моддий ва бошқа қийинчиликларни бошидан кечиради, саломатлигига путур этади. Шу боис судга мурожаат қилиб, 3.Мўминовдан 200 миллион сўм миқдоридан маънавий зарар ундириб беришни сўрайди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларари

суди 2024 йил 19 мартда даъво аризасини қисман қаноатлантириб, 3.Мўминовдан М.Камоловнинг фойдасига 20 миллион сўм маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради.

Таажубланарлики шундаки, 3.Мўминов қарзини тўламагани етмагандек, апелляция шикоятини билан мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини ўзгартирган ҳолда маънавий зарар миқдорини камайитиришни сўрайди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига биноан, жисмоний ва маънавий азобларнинг ҳусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади. Юқоридаги ҳолатда 3.Мўминовнинг айбоби ҳаракатлари жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан тасдиқланган. Бинобарин, биринчи инстанция суди оқилоналик ва адолатлилик тамойилларидан келиб чиқиб, 3.Мўминовнинг жиноят содир этгани оқибатида М.Камолов кўрсанган, орадан кўп вақт ўтмай автомашинани бошқа шахсга сотиб юборади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Шундан сўнг 3.Мўминов жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 29 сентябрдаги ҳукмига мувофиқ Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбдор деб топилди, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Шунингдек, суд ҳукмида 3.Мўминовдан жабрланувчи Мухриддин Камолов фойдасига 4700 АҚШ долларининг миллий валютасиздаги қиймати миқдоридан моддий зарарни ундириш ҳам белгиланади. Аммо 3.Мўминов қарзини узишни хаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, пайсалга солиб юраверади. Бунинг оқибатида М.Камолов руҳий, моддий ва бошқа қийинчиликларни бошидан кечиради, саломатлигига путур этади. Шу боис судга мурожаат қилиб, 3.Мўминовдан 200 миллион сўм миқдоридан маънавий зарар ундириб беришни сўрайди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларари

Бузрукхон АБРОВ, Фарғона вилояти суди судьяси

Жиноятга жазо муқаррар

АДОЎЗАТ

бир инсоннинг умрига зомин бўлди

Ўтган йилнинг айна саратонида Булунгур туманида яшовчи Ўлмас Ширинбоев (исм-шарифлар ўзгартирилди) тунда томорқасидаги экинларни суторишга киришди. Тонг эндигина ёришаётган пайтда у кўчага чиққанда йўлнинг ўртасида қандайдир қора кўланка ётганига кўзи тушди. У аввалига кимдир чиққиндиларни ташлаб кетган, деб ўйлади. Аммо яқинроқ бориб қараса, қандайдир киши қонга ботиб ётганига кўзи тушди-ю, дарҳол «Тез тиббий ёрдам»га қўнғироқ қилди. Тез орада етиб келган тиббиёт ходимлари йўлда ётган одамнинг жони аллақачон узилганини аниқлаб, бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар беришди. Бироз вақтдан сўнг марҳум шу кўчада яшовчи Файзулла Мелиев экани маълум бўлди...

Шу ўринда гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, бир йил олдин Икром Самадов уйи ёнидаги майдонда автомобиллар ювиш шохобчаси қуришга киришади. Аммо бетон пойдевор қуйиш ишларини бошлагани заҳотиёқ қўшниси Файзулла Мелиев норозилик билдиради ва Қадастр агентлиги туман бўлимига бу ҳақда ариза билан мурожаат қилади. Аризани ўрган маънавий зарар миқдорини 20 миллион сўм этиб белгиланган. Апелляция суди мажлисида 3.Мўминов соғлигини йўқотгани сабабли шифокор назоратида туришини, биринчи босқич суди маънавий зарар миқдорини асосиз белгиланганини билдириди. Лекин унинг бу важлари суд қарорини ўзгартириш учун асос бўлолмайди. Шу боис Фарғона вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларари судининг 2024 йил 19 мартдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмаддан қолдирди.


Хулоса ўрнида айтиш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари Конституциямизда кафолатланган ҳақда улар қонун ҳимоясига эришади. Ушбу конституциявий қоида бу бошқа қийинчиликларни бошидан кечиради, саломатлигига путур этади. Шу боис судга мурожаат қилиб, 3.Мўминовдан 200 миллион сўм миқдоридан маънавий зарар ундириб беришни сўрайди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларари

да Ф.Мелиевнинг юзига мушт туширади. Табиийки, Ф.Мелиев ҳам рақибига мушт ўқталади. Буни қўриб, И.Самадов ожиз аҳволдаги қўшнисини аёвсиз уриб-дўппослайди. Натижада оғир тан жароҳати олган Ф.Мелиев оламдан ўтади.

Судда И.Самадов ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, Ф.Мелиевни ўлдириш мақсади бўлмаганини билдириди. Аммо Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-тиббиёт экспертиза илмий-амалий маркази Самарқанд вилояти филиалининг хулосасида Ф.Мелиевнинг ўлими «оғир тан жароҳатлари» оқибатида рўй бергани қайд этилган.

Суд И.Самадовнинг ожиз аҳволдаги шахсни ўта шифокорлик билан қасддан ўлдиришда ифодаланган ҳаракатлари тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в, ж» бандлари билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, И.Самадов ва марҳум Ф.Мелиев ўртасида аввалдан ўзаро келишмовчилик бўлган. И.Самадов ўзошимчилик билан ер майдонини эгаллаб олиб, у ерда қурилиш ишлари бошлаган. Аммо Ф.Мелиевнинг мурожаатига асос И.Самадовга 40 миллион 500 минг сўм жарима жазоси тайинланган. Шундан сўнг И.Самадовнинг кўнглида қўшнисига нисбатан адоват пайдо бўлган. Шу сабабли ўша



тунда Ф.Мелиевга оғир тан жароҳати етказиб, уни оғир аҳволда қасдан автомобиль йўлида ташлаб кетган.

Суд жиноят ишини муҳокама қилиш жараёнида барча ҳолатларни синчковлик билан чуқур ўрганиб чиқиб, жиноятнинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига ҳуқуқий баҳо берди. Яқунда И.Самадовни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в, ж» бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганида айбдор деб топилди, унга нисбатан ўн саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳазосини тайинланди.

Кўришиб турганидек, кўнгилда туғилган нафрат ва ғазаб адоват ўчоғига ўт қалаши оқибати бир инсоннинг ҳаёти бевақт завол топиши билан яқунланди. Қолаверса, спиртли ичимлик истеъмоли ҳам бу фожиянинг келиб чиқишига сабаб бўлганини айтиш жоиз. Бу эса, ўз навбатида, кўни-қўшничилик одоби, меҳр-оқибат, кеңиричилиқ, бағрикенглик каби инсоний фазилатларнинг жамият ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканидан далолатдир. Шу боис соғлом турмуш тарзи ва инсонларварлик тамойилларини тарғиб этиш ҳаммаша долзарб масала бўлиб қолаверади.

Жаҳонгир ҒАЙБУЛЛАЕВ, жиноят ишлари бўйича Булунгур тумани суди раиси Абдуҳамид АБДУОЙБЕРДИЕВ, «Куч — адолатда» мухбири